

## ГЛОССАРИЙ

**Педагогик технология** – аниқ илмий лойихалаштирилган, педагогнинг ютуқларига кафолат берувчи, қайта тақрорланувчи педагогик ҳаракатлар тизимиға педагогик технологиялар дейилади.

**Педагогик жараён** - таълим масалалри, унинг тараққиётини ҳал қилишга қаратилган, махсус ташкил этилган педагог ва талабаларнинг мақсадли ўзаро муносабатлари.

**Педагогик фаолият** – таълим мақсадларини амалга оширишга қаратилган ижтимоий фаолиятнинг алоҳида тури.

**Анъаналар** - ижтимоий ҳаётнинг хамма соҳаларида мавжуд бўлиш билан биргаликда, яна келиб чиқиш жараёнини ҳам қамраб олади. Анъанада кишиларнинг нарса ва буюмларга, табиатга бўлган муносабатлари ифодаланади.

**Гурӯҳ** – одамларнинг биргаликдаги фаолият мазмуни ёки мулоқотда бўлиш характери каби қатор белгиларга асосланган ижтимоий жамоа.

**Демократлаштириш жараёни** - таълим муассасаларида ўзини ўзи бошқарув шаклига утишни фаоллаштиришни, ўқув юртларининг таълим ва тарбия услубларини танлашда мустақилликни кенгайтиришни тақозо этади. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ушбу вазифалар ўз ўрнини топган.

**Дунёқараш** – одамнинг теварак-атрофдаги оамга ва унда ўзининг тутган ўрнига қарашларидан келибчиқкан тизим. Унинг фалсафий, сиёсий, илмий, диний, ақлий ва эстетик қарашлари йифиндиси.

**Ёш даври низолари** – ўзига хос, унча узоққа чўзилмайдиган онтогенез даврлари бўлиб, бу вақтда кескин психик ўзгаришлар юз беради.

**Жамият тарбияси** - бевосита инсонлараро муносабатлар жараёнидаги тарбиявий таъсир, шунингдек ижтимоий институтлар фаолиятининг (хайрия жамғармалари, ташкилотлар, жамиятлар, ассоциациялар) тарбиявий таъсири назарда тутилади.

**Жамоа** – мақсадлари жамият мақсадига меселадиган умумий фаолият билан бирлашган одамлар гурӯхи.

**Ижтимоийлашув** - шахснинг муомала ёрдамида мазкур жамоага, гурухга, жамиятга хос бўлган нормаларни, қадриятларни, йўл-йўриқларни ўзлаштириш асосида унинг шаклланиш жараёнидир.

**Ижтимоий педагогика мақсади** - бўлғуси педагог кадрларда жамиятимиз тараққиети йўналишидаги яхлит тушунчани шакллантириш ва умумдавлат миқесидаги ягона мақсад вазифалар асосида ижтимоий педагогик фаолиятга йўналтиришдан иборат.

**Ижтимоий педагогика предмети** - жамият ва таълим, уларнинг ўзаро чамбарчас боғлиқлиги бунда замонавий таълим тарбия мазмуни, узлуксиз таълим тизими, педагог кадрнинг жамият тараққиетида тутган ўрни, янги педагогик технологияни эгаллаш зарурати, фуқаролик жамиятида ўқувчи шахсига бўлган демократик, гуманистик мунособат, мустақил фикрловчи эркин шахс тарбияси ижтимоий зарурат эканлигини англайди.

**Ижтимоий педагогика объекти** - ижтимоий ҳаётий тарбиявий жараёнлардир.

**Ижтимоий тарбия** - боланинг ижтимоийлашувига қаратилган ижтимоий аҳамиятга молик фазилатларни шакллантириш жараёнидир.

**Ижтимоий таълим** - бу боланинг ижтимоийлашувига ёрдам берувчи ижтимоий билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш жараёнидир.

**Ижтимоий педагогик фаолият** - бу боланинг ижтимоийлашувига, уларга ижтимоий маданият тажрибаларини сингдиришга, жамиятда ўз ўзини бошқаришга шароитлар яратишга қаратилган касбий фаолиятдир.

**Индивидуаллик** – индивиднинг бошқалардан фарқланадиган ижтимоий хусусиятлари ва психикасининг ўзига хослиги, қайтарилмаслиги.

**Инсонпарварлик тамоили** - қандай шароитда яшашидан қатъий назар жамиятдаги барча инсонларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш.

**Маданиятга мувофиқлик тамоили** - болани тарбиялаш жараёнида унинг туғилган жойи, шарт шароити, бир сўз билан айтганда, уни ураб турган маданий жиҳатлар эътибордан четда қолмаслиги лозим.

**Менталитет** - жамият, миллат, жамоа ёки алоҳида шахсниг тарихий таркиб топган тафаккур даражаси, маънавий салоҳияти, ҳаёт қонунларини таҳлил этиш кучи, муайян, ижтимоий шароитларда шаклланган ақлий қобилияти.

**Миллий идентификация** - истиқлол даврида янги хусусият, иқтисодиёт, сиёsat билан бирга янги ҳаёт тарзини қайтадан бошлаган давлатлар фақатгина миллийлик нуқтаи назаридан давлат қизиқишлигининг ифода этиши эмас, балки одатдан ташқари жараёнга мослашиш ва сақланиб қолиш учун кураш вазиятида бутун тарихий, моддий ва маънавий қадриятлар нуқтаи назаридан ўз илдизларини, ўзлигини англаш, барча прогрессив ва иқтисодий силжишларга тўсқин бўлаётган, анъанавий дунёқарашга асосланган миллий тафаккур таркибидаги камчиликларни қайтадан мушоҳада қилиш эвазига замонавий дунё тараққиётига интеграциялашувидир.

**Педагогик фаолият** - бу таълим тарбия воситасида ўқувчиларга ижтимоий маданият тажрибаларини сингдиришга қаратилган касбий фаолиятдир.

**Психика** – юксак даражада ташкил топган материя, миянинг функцияси. Унинг моҳияти туйғулар, идрок, тасаввур, фикрлар, ирода ва бошқалар кўринишида акс эттиришдан иборат.

**Психик жараёнлар** – у ёки бу психик махсулт ва натижаларни (психик образлар, холатлар, тушунчалар, хиссиёт ва х.к.) хосил қилувчи, шакллантирувчи ва ривожлантирувчи жараён.

**Психодиагностика** – шахснинг индивидуал-психологик хусусиятларини аниқловчи ва ўлчашни ишлаб чиқувчи психология усули.

**Психокоррекция** – шахснинг психик ривожланишидаги камчиликларни тузатиш усулларини қўллаш жараёни.

**Тренинг** – машқ қилмоқ, гурухларда муроқотнинг самарали ташкил этиш усули бўлиб, шахснинг муроқотга ўргатиш ва обрўли бўлишини ривожлантириш мақсадида ўтказилади.

**Фаолият** – инсонгагина хос, онг билан бошқариладиган эҳтиёжлар туфайли пайдо бўладиган ва ташқи олам билан кишининг ўз-ўзини билишга, уни қайта қуришга йўналтирлган фаоллиги.

**Фаоллик** – тирик материянинг умумий хусусияти, теварак муҳит билан ўзаро таъсирда бўлишида намоён бўлади.

**Қобилият** – шахснинг маълум фаолиятидаги муваффақиятларини ва осонлик билан бирор фаолиятни эгаллай олишини таъминлайдиган индивидуал психологик хусусияти.

**Таълимни инсонпарварлаштириш** - таълим олувчиларнинг қобилият ва истеъдодларини ҳар томонлама очиш, миллий ва умумбашарий ғоялар хамда қадриятларни сингдириш, шахс, жамият ва атроф муҳит муносабатларини уйғулаштириш.

**Табиатга мувофиқлик тамойили** - ижтимоий педагог ўзининг амалий фаолиятида боланинг табиий ривожланиш факторларига суюниши талаб этилади.

**Таълимни ижтимоийлаштириш** - таълим олувчиларда эстетик бой дунёқарашни, юксак даражадаги маънавият, маданият ва ижодий фикрлашни, шахсни тарбиялаш ва ҳар томонлама камол топтиришга устуворлик берган холда таълим ва касб дастурларининг мазмунини қайта куриб чиқиш.

**Шахснинг жамият ҳаётидаги иштироки** - жамиятда ишлаб чиқиладиган ва олиб бориладиган ҳар қандай сиёsat, биринчи навбатда жамият аъзоларига, уларнинг жамият ҳаётида қай тарзда қатнашишларига қаратилган бўлади.

**Шахснинг ижтимоий қиёфаси** - турли ҳил ижтимоий ролларнинг, у билан боғлиқ қоидалар ва вазифаларнинг мажмуи билан белгиланади.

